



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (12.634)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЭНГ СЎНГГИ РУСУМДАГИ ОФИС МЕБЕЛЛАРИ

Саноат тармоқларига хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани самарасида мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати тобора ошмоқда.

Буни 1997 йилда АҚШ ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган «TUS buero» масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада кенг турдаги офис мебеллари ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу жиҳозлар юқори сифати, қулайлиги, экологик хавфсизлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Германиянинг «Homa», «Holzma», «Brand» ва «Weeke» каби етакчи компанияларидан келтирилган замонавий технологиялар асосида тайёрланадиган корхона мебеллари мода олами-нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Улар тан олинган сифат сертификатлари-га эга, ISO 9001:2008 халқаро стандартига мосдир.

«TUS buero» маҳсулотлари харидор талабига кўра турли ранг, ҳажм ва дизайнда тайёрланади. Мебелларнинг кенг ассортименти хонани исталган услубда безатиш имконини беради. Мебель

модуллининг осонгина жамлан-ниши фойдаланувчиларга қулай-лик яратди.

Корхонада ишлаб чиқарилаёт-ган мебель маҳсулотлари турли вазирлик ва идоралар, йирик кор-хоналар, фирма ва компаниялар, таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариш жа-раёни изчил модернизация қили-наётгани, пухта ўйланган марке-тинг сиёсати олиб борилаётгани самарасида маҳсулот сифати ях-шиланиб, ҳажми ошмоқда. Хусу-сан, 2013 йилда корхонада қарийб уч миллиард сўмлик маҳ-сулот ишлаб чиқарилди. Корхона жамоаси жорий йилда бу кўрсат-кични янада оширишни режалаш-тирган.

– Президентимиз раҳнамоли-гида ишбилармонлар учун зарур шарт-шароит ва қулай сарможавий муҳит яратилгани, солиқ ва бож-хона имтиёзлари берилгани му-ваффақиятларимиз омили бўлмоқда, – дейди «TUS buero»

масъулияти чекланган жамияти директори Улуғбек Ҳабибуллаев. – Мебелсозлик корхоналарининг четдан келтириладиган ашёлар учун бож тўлашдан озод этилган бунинг ёрқин мисолидир. Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган халқаро кўргазма-ларда маҳсулотларимиз билан иштирок этиб, фойдали тақлиф-лар оляпмиз. Бу фаолиятимизни янада ривожлантиришга хизмат қилаётди.

«TUS buero»да олти нафар-га яқин мутахассис иш билан таъ-минланган. Уларнинг кўпчилиги хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтган ва бугунги кунда ўз тажрибасини ёш йигит-қизларга ўргатмоқда. Корхона жа-моаси ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва офис мебел-ларининг янги моделларини ўзлаштириш борасида изланмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири
Асқар Ёқубов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2014 йил 11 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-нинг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишдан бошлади-лар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йил-даги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 ян-варда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжал-ланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлар-ига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бел-гилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мам-лакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43 та йўна-лиш бўйича 252 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қонунчилигида мувофиқ Давлат бюджетини шакл-лантириш ва ижро этиш устидан республика миқёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюд-жет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самара-дорлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан таш-қари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондла-рининг Давлат бюджетига жамланадиган маблағлари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши усти-дан узлуksиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оши-рилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки ҳўжа-лик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган ет-миш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини қулайтириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўришга қара-тилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йил-даги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжат-ларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъмин-лашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳо-фаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Респу-бликаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиати му-ҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14 та асосий йўналиши бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-бетда)

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЯНАДА ОШАДИ

Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамғармага беш юз элликдан ортиқ тадбиркорлик субъекти маҳсулот ва хизматларни хорижга экспорт қилишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. 450 га яқин мурожаат ижобий ҳал этилиб, тадбиркорларга ташкилий-ҳуқуқий, молиявий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, 448 тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 207,3 миллион АҚШ дол-ларига тенг экспорт шартномалари тузишда кўмакла-шилди.

2014 йилда корхоналарда сифат менежменти тизим-лари (СМТ)ни жорий этиш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги бир қатор корхоналар ўрганилди. Элликдан зиёд корхонада жам-ғарма молиявий кўмагида халқаро стандартларга асо-сан СМТни босқичма-босқич жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда жамғарманинг «Ўзбекинвест», «Кафолат», «Ўзагросуғурта» каби суғурта компаниялари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор енгилликларни ишлаб чиққани маълум қилинди. Хусусан, суғурта муқофоти тарифлари камайтирилди, экспорт шартномаларини суғурталашда суғурта муқофот тарифларини ҳисоблаш-нинг ягона услубий тизими ишлаб чиқилди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликларининг экспорт салоҳи-ятини ошириш, уларга янги бозорларга чиқиш, халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун молия-вий ёрдам кўрсатиш, рақобатбардош товарларни ҳахон бозорига етказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳрида фаолият юритиб келаётган

корхона ва ташкилотлар ёшлари ўртасида «Камолот» кубоги» респу-блика турнирининг финал босқичи ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «2014 йилда

сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазият-лардан аҳоли ва ҳудудларни муҳо-фаза қилиш борасида амалга оши-рилаётган тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Олмазор енгил саноат касб-хунар коллежида миллий анъ-аналаримизни уйғунлаштирган ҳолда либослар яратаётган диза-йнерлар иштирокида тадбир ташкил этилди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги Нодавлат нотижорат таш-килотларини ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгай-тирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Бухорода умумтаълим мак-таблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Инглиз тили би-лимдони» республика интеллек-туал мусобақасининг вилоят бос-қичи бўлиб ўтди. Мусобақада жа-моалар ўқиш ва ёзиш, оғзаки ну-тқни ривожлантиришга қаратилган шартлар бўйича ўз билимини си-новдан ўтказди. Шунингдек, бе-рилган мавзу бўйича тайёрланган сахна кўринишлари орқали инглиз тилида сўзлашиш малакаси ва ак-тёрлик маҳоратини намоиш этди.

● Хоразмда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқув-чилари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақа-сининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чега-раларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорли-гида ташкил этилган мусобақада ёш чегарачилар эпчиллик ва зук-коликни талаб этувчи 17 шарт бўйича ўзларининг ижтимоий-сиё-сий, ҳуқуқий билими, дунёқараши, ҳисомий ва маънавий-маърифий соҳалардаги иқтидорини намоиш этди.

● Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни мавзусида се-минар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Македонияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов участкаларидаги 99,5 фоиз овоз-лар ўрганиб чиқилганидан сўнг, барча тўртта номзоддан биронта-си ҳам керакли миқдорда овоз тўплай олмаганлиги аниқланди. Энди мамлакат президенти номи сайловларнинг иккинчи турида маъ-лум бўлади.

● Чилининг Вальпараисо шаҳри атрофидаги ҳудудларда рўй бер-ган кучли ёнғин натижасида 12 киши ҳалок бўлди, 850 гектардан ортиқ майдондаги икки мингдан кўпроқ уй-жойлар кулга айланди. «Тилсиз ёв»га қарши кураш давом этаётган бўлса-да, бироқ кучли ша-мол туфайли унинг тарқалиб бори-шини бартараф этишнинг ҳозирча иложи йўқ.

● Индонезиянинг Япен оролидан Папуа музофотининг шимолий қирғоғи томон ҳаракатланаётган қайиқнинг ҳалокатга учраши нати-жасида олти киши қутқариб қолин-ди, йигирма тўрт нафар одам бедарак йўқолди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Табиати муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг sanoat корхоналарида атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда – 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб боришмоқда. Чунончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятли объектларида қуёш фотоэлектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишлари тугалланди.

Хисоботни муҳокама қилиш асосида сенаторлар Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўйб-га чиқариш борасидаги ишнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни баён этдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлари фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилма-

лар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганини кўрсатиб ўтилди.

Айрим давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторинг қилиб бориш доирасида амалиётлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идораий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403 та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асосида аниқланган қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18 та давлат тузилмаси тизимида 16 та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қонунбузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шартларни бартараф этишга, жамиятда қонуннинг, қонунийликнинг устунлигини қарор топтиришга қаратилган 957 та таъсир кўрсатиш чораси кўрилган. Манфатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларида идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирish ҳамда зиддиятларни бар-

тараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш таклиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва таклифларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига қирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очигўлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганини гоҳ муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини рўйб-га чиқариш бозор ислохотларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда хавфсизликни, барқарорликни ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини تامомлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

Бугун мамлакатимизда ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган олий ўқув юртида ўқиши, билимини янада мустаҳкамлаши, замонавий ахборот технологиялари сир-асрорини чуқур ўрганиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун барча имкониятларга эга.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Аҳоли, айнқса ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бирор-бир касбга йўналтириш, ўз иш фаолиятини бошлашларида уларга яқиндан ёрдам бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла гузарига ўтказилган меҳнат ярмаркаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларининг 2013-2014 ўқув йилдаги битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни ташкиллаштириш юзасидан ўтказилган ярмарка «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яккасарой туман бўлини ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилди.

— Бу каби бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишдан кўзланган мақсад улғайиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб камол топишларида, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлмасликлари, уларга турри йўл кўрсата билишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам бериш ва шу билан бирга кенг жамоатчиликнинг таъсири, ҳамкорлик ишларини қучайтиришдан иборатдир, — дейди Яккасарой туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Мавлуда Раймқонова. — Таъкидлаш жоизки, тумандаги касб-ҳунар коллежларида марказимиз билан ҳамкорликда битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича бўш иш ўринларига йўналтириш юзасидан семинарлар ўтказилди. Маҳалла гузарига таш-

кил этилган ярмаркада ҳар бир мутахассисда ўзига керакли бўлган касбга жойлаштириш имконияти яратилди. Мақсадимиз тумандаги 18 та маҳалладаги банд бўлмаган аҳоли ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қўмаклашишдир.

Ярмаркада Яккасарой туман Тиббиёт бирлашмасининг марказий



қўптармоқли поликлиникаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси Яккасарой филиали, «Bitter textile service», «Muruvvat-tek» масъулияте чекланган жамиятлари каби ўндан зиёд корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

— Жамиятимизнинг истиқболлини, миллатимизнинг тақдирини, иқболлини, бахту саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало, ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий ва ҳуқуқий тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз лозим, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яккасарой туман

бўлини маси раиси ўринбосари Жамила Расулова. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 февралдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йил 21 февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, жумладан ишга жойлаштириш юзасидан туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яккасарой туманидаги 18 та маҳаллада касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлари битирувчиларининг рўйхатлари шакллантирилиб, махсус дафтарларга қайд этилган. Ҳар бир маҳаллада фаёл олиб бораётган «Бандлик сектори» аъзолари билан ҳамкорликда битирувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказилмоқда. Бўш иш ўринлари бўйича ишлар ҳақида маълумот берилмоқда.

— Мазкур ярмаркада Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан бирга катнашдик, — дейди ушбу коллеж ўқитувчиси, гуруҳ раҳбари Шоира Жалилова. — Гуруҳимиздаги ўқувчилар бўш иш ўринлари билан танишиш имконига эга бўлишмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакики бу каби ярмаркалар натижасида келгусида қўлаб ўқувчиларимиз иш билан таъминланди.

Тадбир ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топиши ва банд бўлмаган аҳолининг ишга жойлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

**Шаҳримизда Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси Тошкент
шаҳар ҳудудий бошқармаси
томонидан «Тадбиркорлар
куни» тадбири ташкил этилди.**

Унда адлия, солиқ, боғхона, Марказий банк, ер ресурслари ва давлат кадастри, стандартлаштириш ва метрология, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, махсулот рақобатдорлиги ортди ва экспорт қўламини кенгайтириш. Тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга ишбилармонларни қўлаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни жойида ҳал қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шартлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва барча туманларда тадбиркорлик субъектлари шикоятларини кўриб чиқиш, муаммоларининг амалда ечилишини таъминлашга қаратилган «Тадбиркорлар куни» ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни Тошкент шаҳридаги назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар ва қабул қилинаётган янги қонунлар билан уларни таништиришдан иборат.

— Бу каби йиғилишларнинг ташкил этилиши кичик бизнес ривожига катта ҳисса қўшади, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўлими бошлиғи Бегзод Ибрагимов. — Зеро, тадбиркорларнинг имтиёз ва имкониятлардан хабардор бўлиши ишлаб чиқариш қўламининг кенгайиши, янги махсулотларни яратиш, экспорт ҳажмининг орттиришга ўз таъсирини ўтказди, албатта.

Тадбир давомида кичик бизнес субъектлари вакилларида банк, хом ашё махсулотларини сотиб олиш, солиқ ва боғхона тўловларини амалга оширишда юзага келадиган муаммолар ва уларни ечимлари борасида фикр-мулоҳаза юритилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов
раҳнаомлигида ахборот соҳасида амалга
оширилаётган туб ислохотлар ахборот-
коммуникация технологияларини ҳаётга кенг
жорий этиш ва янада ривожлантириш
имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг
2013 йил 27 июнда қабул қилинган
Ўзбекистон Республикасининг Миллий
ахборот-коммуникация тизимини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги
Қарори билан тасдиқланган 2013-2020
йилларда Ўзбекистон Республикаси
телекоммуникация технологиялари,
тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини
ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши
мамлакатимизда ахборот ресурслари,
тизмалари ва тармоқларини жадал
ривожлантиришга хизмат қилаётди.**

my.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали мамлакатимиз ахборот-коммуникация тизимининг истиқболли лойиҳаларидан. 2013 йил 1 июлдан ишга туширилган ушбу портал давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини қўлай, самарали воситасига айланди.

Мазкур лойиҳа «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган «Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш хисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилди. Ягона порталнинг яратилиши мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг набатдаги босқичи бўлди.

— Бугунги кунда ягона портал орқали йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича 170 дан зиёд интерактив хизматдан фойдаланиш мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси хузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказининг иқтисодлаштирилган тарихий бўлимидаги фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Э.Раҳмонов. — Улар орасида автоматик режимида тақдим этиладиган интерактив хизматлар ҳам бор. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг стационар телефон алоқа хизматлари ҳамда интернетта улаштириш, солиқ бўйича қардорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларидан маълумотнома олиш, телекоммуникация соҳасида лицензия олиш ва бошқа хизматлар шулар жумласидандир.

Порталда аҳоли муносабатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари портал орқали давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига муносабат қилиши мумкин. Шунингдек, бу ерда маълумотнома оид ахборот топиш, фойдаланувчилар уларнинг муносабат ва аризалари давлат органлари томонидан кўриб чиқиши қайси босқичда эканини билиш имконини берадиган «Статистика» модулидан фойдаланиш мумкин.

Порталга Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари уланган. Фуқаролар ўз муносабатларини янада жойи бўйича тақдим этиши мумкин. Бу маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради. Бунга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари компьютерлаштириш маркази билан ҳамкорликда туман раҳбарларини «Электрон ҳукумат» тизимига жалб қилиш бўйича ўтказилаётган ташкилий тадбирлар тўғрисида эришилмоқда.

Қисқа муддатда сайт орқали давлат органларига жўнатилган муносабатлар сони 11,5 минггача ташкил этди. Шунинг қарийб 83 фоизи кўриб чиқилган ва фуқароларга тегишли жавоблар қайтарилган. Порталдан айнқса жисмоний шахслар кўпроқ фойдаланаётди. Жами муносабатларнинг 88 фоизи айнан улардан келиб тушган. Муносабатларнинг кўп қисми Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими вазириликлари ва Давлат солиқ қўмитасига юборилган.

— Биргина маълумотнома олиш учун Тошкент вилоятидан Сурхондарёга бориб келишимга тўғри келарди, — дейди Тошкент вилоятида яшовчи М.Турдиева. — Бироқ my.gov.uz порталида рўйхатдан ўтиб, ушбу масалани уйдан чиқариб туриб интернет ёрдамида ҳал қилдим. Ҳам вақтим тежалди, ҳам маблаг ёнимда қолди. Яратилган бундай қулайликлардан мамнуним.

Ягона порталдан фойдаланувчилар орасида юридик шахслар ҳам кўпчилиги ташкил қилади. Тадбиркорлар портал қулайликлари ва имкониятларига юқори баҳо бермоқда.

— Ягона интерактив давлат хизматлари портали айнқса тадбиркорларга катта қулайликлар яратмоқда, — дейди «Oblast» қўшма корхонаси директори Н.Зайнобиддинов. — Энди турли тартиб-таомиллардан қулай ва тез ўтиш имконияти мавжуд. Масалан, ягона портал тўғрисида экспорт шартномасини тузишга ҳулоса бериш масаласи жуда қисқа муддатда ўз ечимини топди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ходимлари ўн кундан сўнг электрон почта орқали менга тегишли жавобни юборди.

Ягона портал муносабат такомиллаштириб боришмоқда. Жумладан, уланётган ташкилотлар сони ортиб, қўшма имконият ва хизматлар ишлаб чиқилмоқда, портал орқали иш сифати ва қулайлик даражаси ошмоқда. Давлат органларининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда портал модулиларидан самарали фойдаланишмоқда, ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилмоқда.

Ўзаро алоқаларни яхшилаш ва давлат органларининг муносабатлар устида ишлаш хусусида фойдаланувчилар фикрини инобатга олиш мақсадида «Бэхол» сервис хизматидан фойдаланган ҳолда, порталда муносабат қайтарилган жавобга изоҳ бериш имконияти яратилди. Ушбу тизим давлат органларининг фуқаролар муносабатларини тўлиқ ва сифатли кўриб чиқишини таъминлашга ёрдам беради.

Ягона портал фойдаланувчилари учун муносабатларни давлат органларига жўнатадиган Android платформасидаги махсус мобил илова ишлаб чиқилди. Улар ули алоқа телефонига келадиган SMS-хабар орқали ўз муносабатларини кўриб чиқиши қайси босқичда эканидан хабардор бўлиши мумкин. Ягона порталнинг ахборот-маълумот хизмати фаолиятини ҳам алоҳида эътиборга лойик. Мазкур хизмат мутахассислари интерактив хизматлардан фойдаланишга оид маълумотларни тақдим этишдан ташқари телефон орқали фуқаролардан муносабатларни қабул қилиб, тегишли давлат муассасасига жўнатади.

Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан кўрсатилаётган қўлаб хизматлар учун тўловларни мобил телефони орқали тўлаш имконини бермоқда. Янги вақтларда фойдаланувчилар реал вақт режимида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси хизматлари тўловини ҳам портал орқали амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда давлат божлари ҳамда бошқа йиғимларни он-лайн усулда тўлаш масалаларини кўриб чиқаётди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётганнинг ёрқин далилидир. Портални такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар, шўбақис, тез орада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фуқаролар ҳамда юридик шахслар билан реал вақт режимида янада самарали ҳамкорлик қилишга ёрдам беради.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкентда давом этаётган спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида спортчиларимиз Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларига иккита йўлланмани қўлга киритди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратиладиган доимий эътибор ва ғамхўрлик жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёш спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу қўшамизнинг 22 давлатидан энг кучли спортчилар иштирок этаётган Осиё чемпионатида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Осиё чемпионатида ўғил болалар ўнта, қизлар тўққизта олимпия йўлланмаси учун рақобатлашди. Қоида бўйича ҳар бир мамлакат кўпи билан иккита йўлланма олиши мумкин.

Мусобақанинг дастлабки кунини ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жамоавий кўпкураш мусобақаларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси умумий ҳисобда 236,5 балл жамғариб, бронза медал билан тақдирланган эди.

Иккитори спортчимиз Темур Қодировнинг эркин, таяниб сакраш, ҳалқа, брус, турникда бажарган машқлари ҳакамлар томонидан 81,55 баллга баҳоланган бўлса, Элёр Исмоиловнинг чиқушлари 78,75 баллга лойиқ топилди. Терма жамоамизнинг

чемпионатдаги муваффақиятида Азиз Саидмуров, Мирабзал Фозилов ва Ҳамид Содиковнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда ҳамюртларимиз би-

«Осиё чемпионати — 2014»

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

лан бирга Япония, Вьетнам, Малайзия, Филиппин ва Қозоғистон каби давлатлардан келган спортчилар жамоавий ва шахсий кўпкураш баҳсларида ғолиблик учун куч синашди.

Жамоавий кўпкураш баҳсларида Турдихон Исмолова, Ксения Ким, Вероника Орлова, Линара Сулаймонова, Элвира Юрьевадан иборат Ўзбекистон қизлар терма жамоаси 154,6 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллади.

Турдихон Исмолова шахсий кўпкураш баҳсларида 53,15 балл жамғарган бўлса, Вероника Орлованинг маҳорати 49,65 баллга лойиқ топилди.

Спорт янгиликлари



ЁШЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Бугунги кунда Тошкент шаҳар аънавий ден то фудокан каратэ до федерацияси томонидан мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларга спортнинг ушбу туридан сабоқ беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йўл билан федерация раҳбарияти ёш авлодни спорт машғулотида жалб этиш, ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш ишларига ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Японияда истиқомат қилувчи 8 дан қора белбоғ соҳиби сенсей Танака Такенори спортнинг ушбу тури бўйича энг кучли мутахассислардан бири ҳисобланади.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, каратэ-до бўйича Ўзбекистонда замонавий таълим бериш усуллари билан яқиндан танишиш мақсадида сенсей Танака Такенори пойтахтимизга ташриф

Спортнинг ден то фудокан каратэ до турига республикамизда 2003 йилда асос солинган бўлса-да, яққакрашнинг ушбу йўналишига қизиқувчилар сони тобора ошиб бормоқда.

буюриб, аънавий ден то фудокан каратэ до шаҳар федерациясида семинар-тренинг ўтказди. Ушбу тадбир жараёнида федерациянинг мурраббийлар таркиби ва секция аъзолари Японияда замонавий таълим бериш жараёнида қўлланиладиган амалий техник усуллари ўргандилар. Ўзининг чиқишлари ва самарали усуллари кўрсатиш жараёнида Такенори нафақат спортчиларнинг жисмоний томондан тайёрлаш, балки ўз рақиблари ва мурраббийларига чуқур ҳурмат руҳини билан сугорилган жанговар санъатнинг

маънавий жиҳатларига ҳам муҳим эътибор қаратди. Семинар иштирокчилари ва меҳмонларида ўз ҳаётининг 60 йилдан ортиқ қисмини ушбу жанговар санъатни ўрганишга бағишлаган тажрибали мурраббийнинг маслаҳат ва билимларидан баҳраманд бўлиш катта қизиқиш уйғотди.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: шахримизнинг ёш каратэчилари Танака Такеноридан сабоқ олиш пайтида.
Ислом Исмоилов олган суратлар

Шу тариқа Ўзбекистонлик спортчилар жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинларига иккита йўлланмани қўлга киритди ва чемпионатда ўз олдидарига қўйган вазифани шараф билан бажарди.

– Бизни қўллаб-қувватлаб турган спорт муҳлисари, мурраббийларимиздан миннатдоримиз, – дейди Турдихон Исмолова. – Ниятимиз, келгуси мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаш.

– Шогирдларим қўшамизнинг нуфузли мусобақасида муносиб иштирок этиб, шохсупага қўтарилганидан хурсандман, – дейди мамлакатимиз қизлар терма жамоаси мурраббиси Светлана Кузнецова. – Спортчиларимиз мусобақага жиддий тайёргарлик қўрди. Уларнинг бу муваффақиятида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун барча шароитлар яратилгани муҳим омил бўлди.

– Ўзбекистонда қўллаб-қувватлаб турган спорт турлари қатори гимнастика ҳам жадал ривожланаётганига мусобақалар давомида ишонч ҳосил қилдик, – дейди Япония спорт делегацияси раҳбари Такаши Кобаяши. – Бу Осиё чемпионатининг юқори савияда ташкил этилгани, ўзбек спортчиларининг эришган натижаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Чемпионат баҳслари давом этмоқда.

Б.АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XXIII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 4-тур беллашувлари пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган командаларга муҳим ўч очколарни тақдим этди.

Самарқандда «Динамо» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» ўйинида сермазун ва ҳужумкор тактика қўллади. Бу ўз самарасини берди. Меҳмонлар учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди.

Муборакда «Машъал» жамоаси билан куч синашган пахтакорчиларга 55-дақиқада Жамшид Искандаров томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган гол ғалаба келтирди. Ўйин якунланишига қадар ҳар иккала жамоа вакиллари дарвозалар томон қўллаб ҳужумлар уюштиришса-да, 1:0 ҳисоби ўзгармай қолди.

Тошкентда «Сўғдиёна» билан куч синашган Вадим Абрамов бош мурраббийлигидаги «Локомотив» командаси аъзолари бу сафар яна муҳлисари янги хурсанд қилишди. Темирийўлчилар устунлигида кечган баҳс 3:1 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Кизилқум» — 0:0, «Олмалик» — «Андижон» — 0:0, «Бухоро» — «Металлург» — 2:1, «Навбахор» — «Насаф» — 1:0.

Ўтказилган 4 та турдан сўнг ҳали бирор марта мағлубиятга учрамаган «Пахтакор» жамоаси 12 очко жамғарган ҳолда турнир жаҳвалида қарвонбошилиқ қилмоқда.

Дубай шаҳрида шахмат бўйича халқаро турнир бошланди.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ДОНА СУРМОҚДА

Унда қурраи заминнинг «ақл гимнастикаси» усталари швейцарча усулда ғолиблик учун донна суришмоқда. Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини умидли ёш шахматчилар Жаҳонгир Воҳидов ва Темур Йгонин ҳимоя қилишмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида туровчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тасвиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

2014 йил «15» май соат 10⁰⁰ да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	1М	«Бўзбозор АШБ — Қорасув-6 мавзеси»	Микроавтобус
2.	5И	«Дўстлик 2 мавзеси АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
3.	6И	«Чилонзор буюм бозори АШБ — Спорт моллари дўкони бекати»	Микроавтобус
4.	7И	«Дўмбировод мавзеси — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
5.	11И	«Чилонзор буюм бозори АШБ — Қорақамиш 1/2 мавзеси»	Микроавтобус
6.	11М	«Қўйлик 4 дахаси бекати — Марказий универмаг АШБ»	Микроавтобус
7.	17М	«Қурувчилар дахаси бекати — Гулобод кўчаси АШБ»	Микроавтобус
8.	18И	«ТТЗ АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
9.	20М	«Фарҳод бозори — Юнусобод 12-дахаси»	Микроавтобус
10.	38М	«Хувайдо маҳалласи — Ибн Сино 2-мавзеси АШБ»	Микроавтобус
11.	43М	«Каллисто клиникаси — Хумоюн мавзеси»	Микроавтобус
12.	52А	«Юнусобод 17-дахаси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
13.	62М	«Юнусобод 9-дахаси АШБ — Аэропорт АШБ»	Микроавтобус
14.	73М	«Қорасув 1-мавзеси АШБ — Қўйлик М4 АШБ»	Микроавтобус
15.	79М	«Қўйлик М4 АШБ — Қорасув 6-мавзеси»	Микроавтобус
16.	90И	«Дўмбировод АШБ — Карвон бозори бекати»	Микроавтобус
17.	102А	«ТТЗ АШБ — Буюк Ипак йўли метро бекати»	Автобус
18.	113М	«Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ — Малика фабрикаси»	Микроавтобус
19.	133М	«Қорасув 6-мавзеси — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
20.	136М	«Қўйлик (М-трамвай) бекати — Олой бозори бекати»	Микроавтобус
21.	141М	«7-шаҳар касалхонаси бекати — Юнусобод 12-дахаси АШБ»	Микроавтобус
22.	143А	«Эркин кўрғони АШБ — Гулобод кўчаси АШБ»	Автобус
23.	152А	«Авиасозлар АШБ — Юнусобод 19 дахаси АШБ»	Автобус
24.	155А	«Гулобод кўчаси АШБ — МЖБК бекати»	Автобус
25.	172М	«Тансиқбоев мавзеси бекати — Ҳамза метроси бекати»	Микроавтобус
26.	190М	«Қўйлик М1 АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

1.	23А	«ТТЗ АШБ — Қўйлик М2 АШБ»	Автобус
2.	36А	«ТТЗ АШБ — Зенит заводи»	Автобус
3.	115А	«Тош ГРЭС кўрғони — Гулобод кўчаси АШБ»	Автобус
4.	123А	«Гулобод кўчаси АШБ — Чукурсой темир йўл станцияси»	Автобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

«101»

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ

Ҳар йили оловнинг мудҳиш фалокати туфайли дунё бўйлаб неча минглаб кишилар бошпанасиз қолади, кимдир соғлиғидан айрилади, ачинарлиси эса баъзилар ҳалок бўлади.

Фуқароларимиз томонидан кўп қаватли уйлар атрофида ўзбошимчалик билан томорқа ҳўжаликлари қуриб олинганлиги, йўллар бошларига темир қозиклар, газ баллонлар ва бошқа сунъий тўсиқлар қоқиб қўйилганлиги ҳам салбий ҳолатлар сирасига киради. Шунингдек, хонадонлар олдига ёнгил темир соябонлар ўрнатилганлиги, кичик омборхоналар қурилганлиги, қурилиш қодалари ва меъёрларига зид равишда кўп қаватли уйларнинг лойиҳасига ўзгариш киритиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ноқонуний қурилмалар кўп қаватли уйларда фавқулодда ҳодисалар, жумладан, ёнгин содир бўлганда ноқулайликлар туғдиради. Бундай тўсиқлар туфайли ёнгин учирши автомашиналарининг ҳаракатланиши ва сув манбаларини узатиш имкониятлари йўқотилиши ҳамда бошқа хунук оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу каби кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнгинга қарши қодаларга риоя қилишимиз, унинг олдини олишда фаол иштирок этишимиз зарур. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ушбу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришмоқда. Бундай тадбирлар давомида ёнгинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлиги, лоқайдлик сабаб уй-жойлар қуйиб қўлга айланаётганлиги мисоллар ёрдамида тушунтириб берилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани ёнгин хавфсизлиги қодаларига амалга қилишга, огоҳликка қорлайди.

Ёнгин хавфсизлигига риоя этиш уйимизда ва иш жойимизда хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Пойтахтимизда юз берган ёнгинлар таҳлилига кўра асосан аҳоли турар жойларида шундай офатлар содир бўлаётганлиги ойдinлашди. Сабаби эса оддий: айрим фуқароларимиз ёнгин хавфсизлигининг қанчалик муҳим эканлигини яхши билишсада, ҳар доим ҳам бу қоидага амал қилармайдилар. Масалан, уйни иситишда носоз мосламалардан фойдаланиш, шунингдек, газ плиталарини ёнгин қолдириш ҳоллари ёмон оқибатларга олиб келади.

Масъул ходимларнинг асосий вазифалари қаторига ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қўламда тарғибот ишларини кучайтириш киради. Шу орқали бахтсиз ҳолатларнинг сонини камайитириш мумкин.

Шу ўринда эслатиб ўтамоқчи, ёнгин содир бўлганда «101» рақамига хабар бериб, аниқ манзилни айтишни унутманг.

Серик ДЖУМАНОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Дебитор ва кредиторлар диққатига!

«Кумушкон-спорт» масъулияти чекланган жамият шаклидаги соғломлаштириш мажмуасининг устав фонди 696 миллион 548 минг 728 сўмдан 696 миллион 538 минг 728 сўмга камайитирилиши маълум қилинади.

МАЪМУРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор, профессор **Тўлқин Фозилжоновна ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 15 ва эртаб 16 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди. Ифчаси — 1-3 даража илқ, лосаланиш тағмиқдори кундузи 18-20 даража паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 15 апрель кунини ҳаво ўзгаришлари, ёнгинларнинг бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеноният яратди. Ифчаси — 1-3 даража илқ, лосаланиш тағмиқдори кундузи 18-20 даража паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бўшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 бошма табоқ, офсет усулида босилди.
12165 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50